

KASB-HUNAR TA'LIMI

ISSN 2010-7498

.....
ILMIY-USLUBIY, AMALIY, MA'RIFIY JURNAL
2018, №3



KASB-HUNAR TA'LIMI

Профессиональное образование
Professional education

Ilmiy-uslubiy, amaliy, ma'rifiy jurnal
2018-yil, 3-son

Muassislar:

Kasb-hunar ta'limi markazi,

Kasb-hunar ta'limi tizimini innovatsion rivojlantirish,
pedagog kadrlarning malakasini oshirish va qayta
tayyorlash instituti

Bosh muharrir: M.XOLMUXAMEDOV

Bosh muharrir o'rinbosari: SH.QURBONOV

Ijrochi direktor: H.SIROJIDDINOV

Tahrir hay'ati:

R.X.JO'RAYEV, SH.S.SHARIPOV, F.X.RIZAYEV,
H.SH.RAXMONOV, SH.T.ERGASHEV,
O'D.XIDIROV, O'S.XUDAYBERDIYEV,
X.F.MASUDOV, A.NIZAMOV, A.R.XODJABAYEV,
A.A.TURG'UNOV

Jurnal 2000-yildan nashr etila boshlangan.
O'zbekiston matbuot va axborot agentligida
2007-yil 3-yanvarda qaytdan ro'yxatga olinib,
0109-raqamli guvohnoma berilgan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar
Mahkamasi huzuridagi Oliy Attestatsiya komissiyasi
tomonidan 2017 yil 29 avgustdagi 241/8 qarori
bilan ro'yxatga olingan

Manzil: 100095, Toshkent sh., Ziyo ko'chasi, 76-uy
Tel.: (0-371) 246-30-26; 90-979-75-89; 94-677-90-
32; 94-629-71-04

E-mail: ksbjurnal@mail.ru,
ksbjurnal@inbox.uz.

Nashr uchun mas'ul
H.Sirojiddinov

Sahifalovchi: A.Abrayqulov

Tahririyat fikri muallif nuqtai nazariga to'g'ri
kelmasligi mumkin.

Tahririyatga yuborilgan maqolalar egasiga
qaytarilmaydi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Kasb-hunar ta'limi"
jurnalidan olingani izohlanishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 8 Noyabr 2018-yil.
Bichimi 60x84 1/8

Bosma tabog'i 10. Adadi 350 nusxa.
Buyurtma 1086

"Kasb-hunar ta'limi" nashriyotida tayyorlandi.
«BUSINESS PRINT» MCHJ

bosmahonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Toshkent shahri,
So'g'ali ota ko'chasi, 5-uy.

МУНДАРИЖА

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Х.Офтобхужаева

Касб-хунар таълими тизимидаги устувор вазифалар масъуллуги2

СОҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ф.Кулшашева, С.Сирожиддинова

Асслариччилик соҳасини ривожлантиришда хорижий тажриба5

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ш.Шарофаддинов, С.Сиддиқова

Касб-хунар таълимига инновацион ёндашув – касбий кўникмаларни
тақвиятлантиришда электрон ахборот таълим ресурсларида фойдалана-
нишнинг аҳминлиги8

ПСИХОЛОГИЯ

Х.Қадырова

Самоопределение личности как предмет соплемяно-психологичес-
кого анализа14

В.Раҳимов

Психологическая зрелость у студентов17

С.Алимова

Шахс ўқитиш усулида илтимойиятлар о'қиб20

А.Нисанбаева

Педагогик фаолият жараёнида ўқитувчи ўқувчи қўлини қўлатиш
таълим маҳорати хусусида24

ПЕДАГОГИКА

Д.Абдурахимова

Ўқувчиларда касб-хунар ҳақидаги тушунчаларни шакллантиришда
халқ оғзаки илҳоди намуналарида фойдаланиш29

М.Абиджанова, Л.Қуратова

Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказишнинг
ўзига хосликлари33

Ф.Зарипов, Г.Аюбарова, Н.Улухужаева

Ўқувчилар ўртасида жинсчиликнинг олдини олиш жамиятининг
асосий вазифаси сифатида38

А.Мухомедов

Тарбия тренинглари асосида ўқувчи-ёшларнинг яхтимойик фаоли-
гини ошириш44

МЕТОДИКА

Р.Тургулбаев, З.Артиқбаева, М.Жўраева

Бўлғуси математика ўқитувчиларининг методик тайёргарликни ри-
вожлантиришда контекстни тошириқлардан фойдаланиш49

З.Артиқбаева

Математика фани ўқитувчиларига хос бўлган муҳим касбий сифат-
лар хусусида52

САНЪАТ

Sh. Majidov

Musiqqa darslarida o'quvchilarning ijodiy faolligini oshirish57

ЁШ ПСИХОЛОГЛАРГА МАСЛАХАТ

Д.Махмудова

Касб-хунар коллежлари психологлари амалий фаолиятида психоло-
гик маслаҳат ўтказишнинг асосий босқичлари61

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ

Л.Малащенко

Факторы влияющие на депрессивные тенденции в юношеском
возрасте65

ТАДҚИҚОТ ВА ТАҲЛИЛ

А.Нисанов, Н. Сайдаматов

Касб-хунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш йўна-
тишлари71

М.Булиев

Дарс таҳлили – дарсга тайёргарлик мезони сифатида77

БЎЛГУСИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОНТЕКСТЛИ ТОПШИРИҚЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Р.ТУРГУНБАЕВ, З.АРТИКБАЕВА,

ТДПУ доцентлари,

М.ЖЎРАЕВА,

ҚарДУ ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада олий таълим муассасаларида математика ўқитувчиларини тайёрлашда контекстли топшириқлардан фойдаланишнинг ахамияти тапабалаюда теорема исботидаги мантикий қадамларни ажратиш кўникмасини шакллантиришда фойдаланиладиган контекстли топшириқлар орқали очиб берилган. Бундай топшириқлар талабаларнинг математика фанларида теорема исботи бўйича олган билим ва кўникмаларини математика ўқитиш методикасида узвий давом эттиришга хизмат қилиши асосланган.

Калит сўзлар: контекст, контекстли топшириқ, теорема исботи, тезис, аргумент, исбот намойиши, квазикасбий.

Аннотация: В статье рассматривается использование контекстных заданий в методической подготовке будущих учителей математики. На примере формирования умения выделения логических шагов доказательства теоремы раскрыты сущность контекстных заданий.

Ключевые слова: контекст, контекстное задание, доказательство теоремы, тезис, аргумент, демонстрация доказательства.

Annotation: The article discusses the use of contextual tasks in the methodological training of future teachers of mathematics. On the example of the formation of the ability to distinguish logical steps of the proof of the theorem, the essence of context tasks is disclosed.

Key words: context, contextual task, proof of the theorem, thesis, argument, demonstration of the proof.

Бугунги кунда математика ўқитувчиларини тайёрлаш “5110100-математика ўқитиш методикаси”, “5130100-математика” бакалаврият таълим йўналишларида амалга оширилади. Бу таълим йўналишларида бўлгуси математика ўқитувчилари касбий билим асосларини “Математика ўқитиш методикаси”, “Математика тарихи ва математика ўқитиш методикаси” фанлари доирасида ўрганишади. Хозирда бўлгуси математика ўқитувчисини сифатли касбий тайёрлашни нафақат аудиторияда, балки аудиториядан ташқари, мустикал ишлар орқали ҳам ташкиллаштириш мумкин.

Аммо мустикал ишларни ташкиллаштириш воситалари, ҳатто ўзбек тилидаги ўқув адабиётлари ҳам етарли даражада мукамал эмас. Мавжуд ўқув кўлланмада [1] хусусий методика баёни масалалар ечишдан кам фарк қилади.

Математика ўқитиш методикаси бўйича кўлланмаларда [2-4] методик масалалар ва методик топшириқлар келтирилган. Аммо бу кўлланмаларда келтирилган топшириқларни бажариш мактаб математика дарслигидаги бирор ўқув материали контексти билан бевосита боғлиқ эмас. Топшириқни ёки топшириқлар тизимини мак-

таб дарслиги матни контекстига боғлаш ўқув фаолиятга квазикасбий тус бериш учун муҳимдир. Талабаларнинг квазикасбий фаолиятини ташкиллаштиришда контекстли топшириқлардан фойдаланиш тавсия этилади [5]. Математика ўқитиш методикаси курси учун контекстли топшириқ тушунчаси қуйидагича таърифланади.

Контекстли топшириқ – бу қуйидаги шартларни қаноатлантирувчи топшириқдир: а) у талабада математика ўқитиш методикаси фани мазмуни элементининг яхлит образини шакллантиришга йўналтирилган; б) топшириқни бажариш жараёни матни амалдаги дарсликда берилган муайян ўқув материалининг бирор контексти билан бевосита боғланган; в) у кўшни топшириқлар билан муайян мақсад билан боғланган, бу мақсад ўқув фаолияти контексти билан аникланади (яхлит ҳолда ўқув фаолият босқичи билан, босқич ичида ишни ташкиллаштириш; натижавийлик, фаолиятнинг бевосита ва билвосита маҳсулотларига йўналтирилгани ва б.).

Қуйида теорема исботидаги мантикий кадамларни ажратиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган контекстли топшириқларга мисоллар келтирамиз.

1-топшириқ (тезис, аргумент, намоёнш тушунчаларини киритишга йўналтирилган). Ушбу теореманинг исботини қарайлик: “Агар тўртбурчакнинг иккита томони тенг ва параллел бўлса, бу тўртбурчак параллелограммдир.

Исбот. ABCD тўртбурчакда $AB=DC$ ва $AB\parallel DC$ бўлсин. Унинг BD диагоналининг ўтказамиз. Натижада иккита тенг ABD ва CDB учбурчакларга эга бўламиз (икки томони ва улар орасидаги бурчагига кўра), чунки уларда $AB=DC$ (шартга кўра), BD томон - умумий, $\angle 1=\angle 2$ (AB ва DC) параллел тўғри чизиклар ҳамда BD кесувчи кесишувидан ҳосил бўлган ички алмашинувчи бурчаклар бўлгани учун).

Учбурчакларнинг тенглигидан, $\angle 3=\angle 4$ экани келиб чиқади. Бу бурчаклар AD ва BC тўғри чизиклар ҳамда BD кесувчи кесишувидан ҳосил бўлган ички алмашинувчи бурчаклар, демак $AD\parallel BC$.

Шундай қилиб, ABCD тўртбурчакнинг қарама-қарши томонлари жуфт-жуфти билан параллел. Шунинг учун, параллелограмм таърифига кўра, ABCD тўртбурчак – параллелограммдир”.

Сизнинг фикрингизча, бу исботда тезис, аргументлар, намоёншлар қаерда?

2-топшириқ (тезис, аргумент, намоёнш тушунчалари таърифларига йўналтирилган).

Тушунчаларнинг таърифларини қарайлик: тезис исботланаётган тасдиқ. Аргументлар (асослар) – исботда фойдаланилаётган шунга қадар маълум бўлган ва исботланаётган тезиснинг ростлиги келиб чиқадиган тасдиқдир. Намоёнш (демонстрация) – тўғри фикрлар занжирини ҳосил қилувчи аргументлар ва хулосаларнинг ўрнашиш кетма-кетлигини ҳисобланади.

Шу берилган таърифлар ёрдамида, агар зарурат бўлса, юқоридаги топшириқни бажариш натижаларига аниқлик киритинг.

3-топшириқ (тезис, аргумент, намоёнш тушунчаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган). Қуйидаги теореманинг исботини қаранг. “Учбурчак бурчакларининг йиғиндиси 180° га тенг.

Исбот. А учдан BC томонга параллел тўғри чизик ўтказамиз.

$\angle 1=\angle 4$, чунки бу бурчаклар, A ва BC параллел тўғри чизикларни AB кесувчи билан кесганда ҳосил бўлган алмашинувчи бурчаклардир.

$\angle 3=\angle 5$ чунки бу бурчаклар, A ва BC параллел тўғри чизикларни AC кесувчи билан кесганда ҳосил бўлган алмашинувчи бурчаклардир.

$\angle 4 + \angle 2 + \angle 5 = 180^\circ$, чунки бу бур-

чаклар умумий учга эга ва ёйик бурчакни ташкил қиляпти. Ҳосил бўлган бу учта тенгликдан $\angle 1 + \angle 2 + \angle 3 = 180^\circ$, яъни $\angle A + \angle B + \angle C = 180^\circ$ эканлигини ҳосил қиламиз. Теорема исботланди.

Олдинги топшириқда тезис, аргументлар ва намоёйишни бутун исбот учун бажардик. Шунга ўхшаш таҳлилни исботнинг ҳар бир пункти учун бажариш мумкин. Масалан, исботнинг биринчи пунктини ($\angle 1 = \angle 4$ чунки бу бурчаклар, А ва ВС параллел тўғри чизикларни АВ кесувчи билан кесганда ҳосил бўлган алмашинувчи бурчаклардир) таҳлил қилайлик. $\angle 1 = \angle 4$ тезис, чунки бу бурчаклар, А ва ВС параллел тўғри чизикларни АВ кесувчи билан кесганда ҳосил бўлган алмашинувчи бурчаклар – аргумент, (параллел тўғри чизикларни кесганда ҳосил бўлган ички алмашинувчи бурчакларнинг хоссаси) – намоёйиш.

а) исботнинг иккинчи ва учинчи пунктлари таҳлилни бажаринг; б) Сизнинг фикрингизча, шунга ўхшаш таҳлил-

ни ҳамма вақт бажариш мумкинми? в) агар ҳамма вақт бажариш мумкин бўлмаса, юқоридаги исботда қайси пунктни қўрсатган бўлар эдингиз?

Бундай топшириқларни бажариш жараёнида талаба математика курсларида теорема ва унинг исботларини таҳлил қилиш бўйича фаолият усулларини ўқитувчи нуқтаи назаридан қайта ўрганadi, мактаб математика, хусусан геометрия дарслиги материали матн мисолларида топшириқлар бажаради. Демак, исботлаш усуллари, исботни таҳлил қилиш, уни баён қилиш бўйича талаба фаолиятида узвийлик амалга оширилади. Бу эса бўлгуси математика ўқитувчиларини тайёрлашда муҳим касбий аҳамиятга эга.

Юқорида айтилганлардан “Математика ўқитиш методикаси” фанидан контекстли масалалар тузиш ва уларни таълим жараёнига киритиш методикасини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлиги келиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. -Т.: 2011.-304 б.
2. Лященко Е.И., Зобкова К.Б., Кириченко Т.Ф. и др. Лабораторные и практические работы по методике преподавания математики. -М.: Просвещение, 1988. - 221 с.
3. Малова И.Е. и др. Теория и методика обучения математике в средней школе: учебное пособие для студентов вузов. -М.: ВЛАДОС, 2009.-445 с.
4. Стефанова Н.Л., Подходова Н.С. Методика и технология обучения математике. Курс лекций. -М.: Дрофа, 2005.- 337с.
5. Макаренко М.Г. Модель контекстного обучения будущих учителей математики в процессе их методической подготовки. Автореферат дис. д.п.н. Санкт-Петербург 2009. -40с.
6. Раҳимқориев А.А., Тўхтаўжаева М.А. Геометрия 8. Дарслик. -Т.: 2014-1586
7. Аъзамов А. ва бошқ. Геометрия 7. Дарслик. -Т.: 2013-1576.





